Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 228 (8468). ● 29 ноябрь, 1984 йил ● ПАЙШАНБА Баҳоси 3 тийин.

Кеча Москвада ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси якдиллик ва жипслик вазиятида ўз ишини тамомлади

КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси

Советлар мамлакати социалистик тузум замиридаги жуда катта бунёдкорлик имкониятларини акс эттирувчи планлар асосида яшаб, келажакка одим ташламоқда. Тинчлик ва меҳнат планлари бўлмиш бу режалар Коммунистик партия билан Совет давлатининг олий мақсади — халқ бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси буни яна бир бор жуда очиқ ва равшан намойиш этди. 28 ноябрь куни сессия Кремлда ўз ишини давом эттирди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат планини ва СССР Давлат бюджети лойиҳаларини муҳокама қилаётган депутатлар палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлисларида иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексининг барча бўғинларини оқилона ташкил этиш йўлларини белгиладилар.

Улар ўз сайловчиларининг фикрини ифодалаб, совет кишилари ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисидаги нутқини ҳаракат қўлланмаси деб қабул этганликларини, шу нутқда ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга азму қарор берганликларини билдирдилар. Меҳнат коллективларида ўн биринчи беш йилликни муносиб тугаллаш учун социалистик мусобақа кенгайиб бормоқда, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш соҳасида зўр ғайрат билан катта иш қилинмоқда.

Халқ депутатлари давлат манфаатларини кўзлаб, омилкорона тежамкорлик билан социалистик экономикани такомиллаштириш резервларини коллектив бўлиб қидирдилар, бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган проблемаларга қаратдилар, бутун экономиканинг ишини сифат жиҳатидан янада юқори поғонага кўтариш учун камчиликларни принципиаллик билан кескин очиб ташладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **О. У. Салимов** республика меҳнаткашлари 1985 йилги, шунингдек, умуман ўн биринчи беш йиллик Давлат плани йўл-йўриқларини тўла ва ошириб бажаришга азму қарор берганликларини таъкидлади. (Ўртоқ О. У. Салимовнинг нутқи алоҳида эълон қилинянти).

Белоруссия Компартияси Гомель область комитетининг биринчи секретари депутат **А. А. Малофеев** область экономикасини ривожлантиришга тўхталиб ўтди. У, жумладан, агросаноат комплекси объектлари қурилиши тўғрисида сўзлаб берди. У бир қанча саноат коллективлари, жумладан, «Гомсельмаш» комбайнсозлари ҳал этиши лозим бўлган вазифаларни ҳам айтиб ўтди.

Областда ерларнинг қиёфасини ўзгартириш соҳасидаги ишлар актив равишда олиб боорилмоқда. Бугунги кунда ҳар уч гектар ернинг бири мелиорация қилинган ерлардир. Шу билан бирга, деди депутат, ана шу ерлар энг кўп даражада самара бериши учун ҳали ҳамма ишлар қилинган, деб бўлмайди. Механизмларнинг етишмаслиги бунинг сабабларидан биридир. Депутат тегишли министрликларга мурожаат этиб, мелиорация техникаси етказиб беришни кўпайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни илтимос қилди.

СССР саноат қурилиши министри, депутат **Ю. Ф. Соловьев** минбарга чиқади. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида, деди у, қурувчилар экономикани мустаҳкамлашга талайгина ҳисса қўшдилар. БАМнинг бутун трассаси бўйлаб поездларнинг иш қатновви муддатидан илгари бошланганлиги гоят муҳим воқеадир.

Бироқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида қайд этиб ўтилганидек, кўпгина камчиликлар ва ҳал этилмаган проблемалар мавжуд. Депутат уларни бартараф этиш борасида белгиланган йўлларга батафсил тўхталиб ўтди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, депутат **К. М. Багиров** ишлаб чиқариш коллективларида, бутун республикада ишчанлик кайфияти ҳукм сураётганлигини айтди. Республика партия ташкилоти хўжалик қурилишининг барча соҳаларида бундан буён ҳам интизомни мустаҳкамлашни, барча салбий ҳолатларга қарши муросасиз кураш олиб боришни, меҳнаткашларни сиёсий ва интернационал тарбиялашни бутун чоралар билан такомиллаштиришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири, деб билади.

Кейинги йилларда, деди нотиқ, Озарбайжонда бир қанча янги корхоналар ва саноат тармоқлари вужудга келтирилди. Бироқ турли сабабларга кўра, қувватларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ ишлатилаётгани йўқ. Ҳозирча республикада қазиб олинаётган табиий газнинг аслида атиги учдан бир қисми қайта ишланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солмоқда. СССР Госплани ва Газ саноати министрлиги мана шу муҳим халқ хўжалик проблемасини кўриб чиқишлари зарур.

Грузия ССР Зугдиди районидаги Ингири чойкорлик совхозининг механизатор, звено бошлиғи депутат **В. Г. Меунаргия** республика қишлоқ меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшаётган ҳисса тўғрисида гапириб, қишлоқ хўжалик маҳсулоти сифатини ошириш масалаларига тўхталиб ўтди. Унинг фикрича, республикада чойзор ва токзорларни ҳозиргига қараганда тезроқ янгилаш, чорвачиликни яна ҳам интенсив ривожлантириш, емхашак етиштиришни доимо мустаҳкамлаш зарур.

Депутат атроф-муҳитни ва Қора денгиз ҳавзасининг муҳофазасини ҳам тўхталиб ўтди.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

1984 йил 27 ноябрь соат 14 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси бошланди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, М. С. Соломенцев, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Н. И. Рижков** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Иттифоқ Советининг раиси **Л. Н. Толкунов** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар А. Ф. Ватченко, В. М. Кожевников, Н. З. Тагизода-Гажибековнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Сўнгра депутатлар Иттифоқ Совети мандат комиссиясининг раиси **К. С. Демирчян** доклади юзасидан янги сайланган депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

Мажлисда мамлакат давлат плани билан бюджети лойиҳаларини муҳокама этиш бошланди.

СССРнинг 1985 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда СССРнинг 1984 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида, СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1983 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақида Иттифоқ Совети доимий комиссияларининг қўшимча докладини қилиш учун Иттифоқ Совети план-бюджет комиссиясининг раиси **В. А. Масел**га сўз берилади.

Бизнинг мамлакатимиз, деди у, ўн биринчи беш йиллиннинг тугалловчи йилига, КПССнинг XXVII съездига бевосита тайёргарлик кўриш даврига қадам қўймоқда. Ҳамма жойда партия ташкилотлари раҳбарлигида ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумида, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган нутқларида баён этилган кўрсатмалар ва хулосаларни амалга ошириш борасида катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар авж олдириб юборилди.

Ана шу программавий нутқларда кейинги вақтларда экономикада рўй бераётган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтиришга қаратилган йўлни сабот билан ўтказиш вазифаси олга сурилган. Хўжалик юритишни яхшилаш борасида партия ишлаб чиққан йўлни амалга ошириш ҳозирдаёқ сезиларли натижалар берди. Ғалабанинг қирқ йиллиги шарафига кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа жуда зўр сафарбар қилувчи куч бағишламоқда. Буларнинг ҳаммаси келгуси даврда халқ хўжалигининг мувафқиятли ва барқарор ишлаши учун ишончли негиз яратмоқда.

Н. К. Байбаков билан В. Ф. Гарбузовнинг докладларида, деди сўнгра нотиқ, мамлакатнинг 1985 йилги плани ва бюджетида партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг йўл-йўриқларини амалга ошириш соҳасида белгиланган тадбирлар батафсил баён этилган.

Капитал маблағлар биринчи навбатда Энергетика ва Озиқ-овқат программаларининг топшириқларини, ерларни мелиорациялаш тадбирларини амалга оширишга, реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилашни жадаллаштиришга сарфланади. Маҳсулот сифатини ошириш учун кураш катта аҳамиятга эга. Фойдали қазилмаларни комплекс ва чуқур қайта ишлаш, иккиламчи ресурсларни хўжалик оборотига кенг жалб этиш — тежамкорлик режимини кучайтиришнинг муҳим резервидир.

Доимий комиссиялар келгуси йилги план лойиҳасини кўриб чиқа туриб, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш масалаларида намоён бўлаётган ижобий тенденцияларни қайд этиб ўтдилар. Айни вақтда бир қанча тармоқларда фан ва техникани ривожлантириш планини бажаришда анчагина қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Сўнгра нотиқ комиссиялар ёқилғи-энергетика комплексининг, қора ва рангли металлургия, қурилиш министрликлари корхоналарининг ишини анализ қилиш чоғида чиқарган хулосаларни баён этди.

Келгуси йилда агросаноат комплексини ривожлантириш борасидаги вазифалар ортади. Комиссиялар Озиқ-овқат прогрммасини амалга ошириш борасидаги план кўрсаткичларини кўриб чиқа туриб, шуни қайд этдиларки, қишлоқ хўжалигининг ва унга хизмат қилувчи тармоқларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш соҳасида кўзда тутилган топшириқлар КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва 1984 йил октябрь Пленумларининг йўл-йўриқларига мос бўлиб тушади.

1985 йилги планда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш кўзда тутилади.

Доимий комиссияларнинг мажлисларида мактабни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш, соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш, аҳолининг социал таъминотини яхшилаш юзасидан мамлакатнинг келгуси йилги плани ва бюджетида белгиланган тадбирлар маъқулланди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига имтиёзларнинг кенгайтирилиши зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Доимий комиссиялар иш жараёнида қўшимча ресурсларни аниқладилар, деди нотиқ. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан 1985 йилги планни чакана нархларда 161,9 миллион сўмлик ошириш, шунингдек, бюджетнинг даромадларини 140 миллион сўмлик кўпайтириш ва бу маблағларни иттифоқдош республикаларнинг бюджетларига қўйиш таклиф этилади.

Иттифоқ Советининг доимий комиссиялари тузатишларни ҳисобга олиб, 1985 йилги Давлат плани билан Давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритдилар. 1983 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни СССР ҳукумати тақдим этган миқдорда тасдиқлаш ҳақидаги таклиф ҳам киритилди.

Нотиқ палаталарнинг доимий комиссиялари топшириғига биноан ишонч билдириб, мамлакатнинг меҳнат коллективлари КПССнинг бўлажак XXVII съездини меҳнатда юксак ютуқлар билан кутиб оладилар, деди.

Музокараларни бошлаб берган РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **В. П. Орлов** Россия Федерациясининг меҳнаткашлари мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганликларини қайд этиб ўтди. Бу йил саноат маҳсулоти ҳажмини ўстириш план топшириқларидан ошиб кетди, айниқса, муҳими шуки, бунга батамом меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Нотиқ Россия Федерацияси кўп тармоқли экономикасини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини таърифлаб, КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш совет ва хўжалик органларининг диққат марказида турганлигини таъкидлади. У СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигини республикада мелиорация қурилиши планларини бажариш юзасидан зарур чоралар кўришга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга даъват қилди.

Депутат Орлов СССРнинг 1985 йилги Давлат плани ва бюджетини СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг тузатишлари ҳамда қўшимчалари билан бирга тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

Совет Украинасининг 50 йиллиги номли Кривой Рог марказий кон-саралаш комбинати экскаватор бригадасининг бошлиғи депутат **П. Е. Гиль** ўз бригадасининг аъзолари ҳар ойлик планни 25 календарь кунида бажаришга интилаётганликларини айтди. Бу эса коллективнинг беш йиллик планни шу йилнинг сентябрь ойида адо этишга имкон берди. Бригада ўртоқ К. У. Черненконинг мурожаатномасига жавобан бу йил тежаб қолинган материаллар ва электр энергия ҳисобига уч кун ишлаб бериш мажбуриятини қабул қилди. Депутат кончиларга етказиб берилаётган техниканинг сифати ва пухталигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Кривой Рогнинг шаҳар хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни тилга олди.

Москва Совети ижроия комитетининг раиси депутат **В. Ф. Промислов** ўз нутқида пойтахт меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун муваффақиятли курашаётганликларини қайд этиб ўтди. Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳамон Москва саноатини ривожлантиришнинг бош йўналиши бўлиб қолмоқда. Пойтахтнинг шаҳар хўжалиги, уй-жой қурилиши интенсив ривожланиб бормоқда.

3,5 мингдан кўпроқ меҳнаткаш — халқ депутатлари Москва шаҳар ва район Советларининг депутатлари йиллик топшириқларни 7 ноябргача бажардилар. Баъзи министрликлар пойтахтни ривожлантириш комплекс планини амалга оширишда бир мунча активроқ иштирок этганларида уларнинг куч-ғайратлари яна ҳам каттароқ натижалар келтирган бўлур эди, деб таъкидлади нотиқ.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Соат 17 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Миллатлар Советининг биринчи мажлиси бошланди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис **А. Э. Восс** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлар Н. В. Думбадзе ва Л. А. Костандовнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олди.

Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг раиси **О. С. Мирошхин** янги сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш тўғрисида мандат комиссияси номидан доклад қилди. Доклад юзасидан тегишли қарор қабул этилди.

Миллатлар Советининг депутатлари мамлакат давлат плани ва бюджетининг лойиҳаларини муҳокама қилишга киришдилар.

Миллатлар Совети Планбюджет комиссиясининг раиси **Н. И. Масленников** СССРнинг 1985 йилги Давлат плани тўғрисида ва 1984 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида, СССРнинг 1985 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ижроси ҳақида Миллатлар Советининг доимий комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

СССР Министрлар Совети тақдим этган план ва бюджетда, деб уқтирди у, халқ хўжалигини узлуксиз ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва шу асосда халқнинг турмуш даражасини янада ошириш кўзда тутилади.

Мамлакат меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг СССР давлат плани ва бюджети лойиҳаларини муҳокама қилиб, асосан маъқуллаган мажлиси қарорларини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқида экономикадаги ишларнинг аҳволи чуқур, атрофлича таҳлил этилди, партия, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларининг халқ хўжалигини узлуксиз ривожлантиришни таъминлаш соҳасидаги куч-ғайратларининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

СССР Олий Совети Президиумининг топширувига биноан палаталарнинг доимий комиссиялари СССРнинг 1985 йилги Давлат планини дастлабки тарзда кўриб чиқдилар ва бу план партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг йўл-йўриқларига мувофиқ келади, деб ҳисоблайдилар, деди нотиқ.

Палаталарнинг доимий комиссиялари давлат планини таҳлил этиш чоғида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни чакана нархларда жами 161,9 миллион сўмлик миқдорда кўпайтириш имкониятини қидириб топдилар ҳамда планни мазкур тузатишлар билан бирга тасдиқлашни таклиф қиладилар. Бюджетнинг даромадларини эса 140 миллион сўм миқдорида кўпайтириш таклиф қилинади.

Комиссиялар қўшимча равишда аниқланган даромадлар ҳисобига бюджетнинг шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва қишлоқ районларининг марказларини ободонлаштиришга, соғлиқни сақлаш воситаларини медицина асбоб-ускуналари билан таъминлаш ва уларнинг биноларини капитал ремонт қилишга, халқ маорифи ва маданият муассасалари учун анжомлар ҳамда асбоб-ускуналар сотиб олишга қилинадиган харажатларини кўпайтириш мумкин, деб топдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

Самимий қутловлар

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ЮСФР Президиумининг Раиси ўртоқ Веселин Журановичга, Югославия Коммунистлар союзи Марказий комитети Президиумининг Раиси ўртоқ Али Шукрияга, ЮСФР Иттифоқ Ижроия вечеснинг Раиси ўртоқ Милка Планинца телеграмма йўллаб, миллий байрам — Республика куни муносабати билан самимий табрикладилар.

ЮСФР меҳнаткашларига Югославия Коммунистлар союзи раҳбарлигида экономикани ривожлантириш, ўз социалистик кўп миллатли давлатини мустаҳкамлаш режаларини амалга оширишда муваффақият, бахт-саодат ва равнақ тилаймиз, деб таъкидланади телеграммада.

Империализмнинг муайян доиралари дунёдаги кескинликни тинимсиз кучайтираётган ҳозирги шароитда социалистик мамлакатларнинг, барча тараққийпарвар кучларнинг халқаро вазиятни тубдан соғломлаштириш йўлидаги курашда самарали равишда баҳамжиҳат ҳаракат қилиши тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Фашизмга қарши биргаликдаги курашда вужудга келган Совет-Югославия дўстлиги, КПСС билан ЮКС, СССР билан ЮСФР ўртасидаги актив ҳамкорлик замон синовидан ўтган принциплар ва аҳдномаларнинг пухта негизига таяниб, бундан буён ҳам мамлакатларимизнинг халқларч, тинчлик ва социализм иши манфаатлари йўлида муттасил ривожланаверади, деб ишонч билдирамиз.

(ТАСС).

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

СССР Олий Совети Президиуми фашист босқинчиларидан Албания озод этилганлигининг ва халқ революцияси ғалабасининг 40 йиллиги муносабати билан Албания Халқ Социалистик Республикаси Халқ мажлиси президиуми номига табрик телеграммаси йўллади.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, шу шонли санани нишонлаб, албан халқининг ўз ватани озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги одилона қаҳрамонона курашини гоят ҳурмат қиладилар, унинг фашизмни тор-мор қилишга қўшган ҳиссасини юксак қадрлайдилар.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР КИЛАДИ:

ОҚҚЎРҒОН

«Оққўрғон» совхозида пахта ҳосилдорлиги шу кунгача 34 центнерга етди. Ялпи ҳосилнинг 75 процента машиналар ёрдамида териб олинди. Дала гвардиячилари ўртасидаги мусобақада А. Отабоев, Ж. Азимов, М. Ковешников сингари ўртоқлар пешқадамлик қилдилар.

ЧИНОЗ

Худойберди Озотов «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг юқори ҳосилли бригадасига етакчилик қилади. Бу йил коллектив деҳқонлари 74 гектар ерда пахта ўстириб шу кунгача давлатга 282 тонна пахта етказиб бердилар. Ҳосилдорлик 37,6 центнерданга тўғри келди. Е. Озотов, М. Тўхтасинов сингари механизаторлар машинада 80—100 тоннадан пахта тердилар.

БЎКА

«Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтакорлари социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар. Ҳозирга қадар 1028 гектар майдондан 4040 тонна пахта топширилди. С. Сулаймонов, Г. Мамедов, Қ. Султонов, Э. Бозорбоев сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40—45 центнерга етди.

Етиштирилган «оқ олтин»нинг 85 процента машиналар ёрдамида териб олинди. Илғор механизаторлардан С. Усеинов, С. Саидиброҳимов, А. Сатторов ўртоқларнинг ҳар бири 150—160 тоннадан пахта териб топширдилар.

«ОҚ ОЛТИН» • ВАТАНГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 28 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — мавсум бошидан буён машинада терилган пахта.

Бекобод	0,02	106,82	66,89
Янгийўл	0,06	105,68	72,21
Бўка	0,02	102,91	87,41
Ғалаба	0,03	102,74	82,29
Коммунистик	0,01	101,63	104,85
Оққўрғон	—	101,46	85,86
Чиноз	0,01	101,36	69,84
Ўрта Чирчиқ	0,05	100,85	93,61
Пискент	0,03	100,40	74,34
Область бўйича	0,02	102,78	81,63

СИФАТИ ЮҚОРИ БЎЛДИ

ҒАЛАБА районидаги «Коммунизм» совхозининг тажрибали пахтакор Аъзам Раҳматов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари юбилей йилида мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар ердан пландаги 33 центнер ўрнига 40 центнерга етказиб ҳосил олиб, йиллик план ва мажбуриятларини ҳўжаликда биринчилар қатори бажаришди. Бригадада етиштирилган ҳосилнинг 85 процента биринчи сортга сотилди.

— Бригадамиз пахтакорлари йил бошиданоқ ҳам мўл, ҳам сифатли ҳосил етиштириш учун курашдилар,— дейди А. Раҳматов. — Чунки партия ва ҳукуматимиз биз пахтакорлар олдига эндиликда миқдор билан сифатнинг бир текис юқори бўлишини таъминлаш вазифасини қўймоқда. Бу йил толанинг пишиқлиги 4,4—4 процентни ташкил қилди. Шу туфайли коллективимизда моддий манфаатдорлик ҳам юқори бўлиши кутилмоқда.

Бригада пахтакорлари айни кунларда ҳам ҳосилнинг сўнгги миқоллларини териб олишда жонбозлик кўрсатишяпти. Бутун техника ва ишчи кучлари шунга сафарбар этилган. Чунки ҳозир даладаги ҳосил қанчалик тез йиғиб-териб олинса, ерлар шудгорланиб, ўғитлантирилади. Бу келгуси ҳосилга мустаҳкам заминдир. Коллектив аъзолари 97 гектар майдондаги каноп дан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Гектаридан 160 центнердан поя олинди.

С. МУСТАФОЕВ,
Ғ. УМАРОВ.

● ТОШКЕНТДАГИ «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шчитлар ва электр станцияларини бошқариш шкафларини йиғиш цехида илғор бригадалар оз эмас. Шундай коллективлардан бирига Валентина Лицарь раҳбарлик қилади. Бу бригада аъзолари юқори сифатли иш учун фахрий вимпел билан тақдирландилар. Суратда: В. Лицарь.

В. Сироткин фотоси.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

(Бошн биринчи бетда).

Мазкур тузатишларни эътиборга олиб, СССРнинг келгуси йилдаги давлат бюджетини тасдиқлаш таклиф қилинади.

План ва бюджет топшириқлари муваффақиятли бажарилиши, деб таъкидлади депутат, кўп жиҳатдан ҳозир ҳар бир тармоқда, ҳар бир меҳнат коллективида хўжалик юритишни такомиллаштириш юзасидан ўтказилаётган ишнинг натижадорлиги билан белгиланади. Ҳозир бу ишнинг аҳамияти шу билан ҳам кучаядики, келгуси йил янги беш йиллик учун негиз, замин бўлиб хизмат қилади.

Шу вазифалар асосида ҳозир ишлатилаётган ва янги ишга тушаётган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш каби масалалар алоҳида аҳамият касб этади. Комиссияларнинг мажлисида депутатлар шу соҳада етарли иш қилмаётган бир қанча министрликларнинг раҳбарларини қаттиқ танқид қилдилар.

Иқтисодий тежашни янада кучайтириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир. Саноатнинг ўзида брак оқибатидаги нобудгарчиликлар шу йилнинг биринчи ярмида ярим миллиард сўмдан ортиб кетди. Иккиламчи ресурслар хўжалик оборотига етарли равишда жалб қилинмаяпти. Қўлги-энергетика ресурсларини тежаш соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилишини ҳам янада яхшилаш керак.

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиш пайтида комиссиялар бу йил ишга туширилдиган ва энг муҳим қурилишларда капитал маблағларни зарур даражада марказлаштириш таъминланмаганини, бу эса объектларнинг ўз вақтида ишга туширилмаслигига олиб бораётганлигини уқтириб ўтдилар.

Қўшимча докладчи фан-техника тараққиёти ютуқларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш зарурлигига тўхталиб ўтди.

Комиссиялар мамлакатнинг агросаноат комплексини ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш масалаларига ҳар томонлама эътибор бердилар. Депутатлар КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми қарорларининг, ерларни мелиорациялаш узоқ муддатли программасининг экономика аграр сектори, бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун бўлган муҳим аҳамиятини таъкидладилар.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига хизмат қилиш системасини ривожлантириш сингари муҳим социал вазифа комиссияларнинг диққат марказида турди. Айрим тармоқлар аҳоли учун керакли моллар ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган планларни бажара олмаётганликлари уқтириб ўтилди. Халқ депутатлари Советлари бу ишдаги ўз ҳуқуқларидан активроқ фойдаланишлари лозим.

1985 йилги ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, деди сўзининг охирида нотиқ, мамлакат меҳнаткашларининг Ватан иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўшган янги салмоқли ҳиссаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездини меҳнатда юксак ютуқлар билан кутиб олиш тўғрисидаги чақириғига муносиб жавоби бўлади.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **И. А. Мозговой** беш йилликнинг тугалловчи йили давлат плани ва бюджети лойиҳалари ҳақида гапириб, бу лойиҳалар мамлакат барча республикаларини яхлит халқ хўжалиги комплексида ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтди.

Нотиқ Украина ССР миқёсида меҳнаткашларнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида экономиканинг барча тармоқларини интенсивлаш йўлидаги самарали кураши ҳақида гапириб берди. Республика меҳнаткашлари янги-янги ички резервларни ишга солиб ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисидаги нутқида экономикадаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва давом эттириш тўғрисида қўйган муҳим вазифани ҳал этмоқдалар.

Интенсив омиллар ҳисобига ишлаб чиқариш янада ривожлантирилиши лозим, деб уқтирди депутат. Индустрияни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини комплекс ҳал этиш —шунга эришишнинг йўлларидан бириди.

Депутат 1985 йилги план ва бюджет лойиҳаларини тасдиқлашни таклиф қилди.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **Л. П. Ликова** мамлакат меҳнаткашларининг зафарларини қайд этиб, Байкал-Амур магистрали белгиланган муддатидан бир йил аввал ишга туширилганлигини алоҳида таъкидлади. Бу қурилиш, деди у, дўстлик ва интернационал ҳамкорликнинг тантанаси бўлди.

Шу йилги ва умуман беш йилликдаги режаларни муваффақиятли бажариш, экономикани янада интенсивлаш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир, деди сўзини давом эттириб нотиқ, бунинг учун ҳамма резервлардан фойдаланишимиз зарур. Ҳали ҳам ўз имкониятларидан паст даражада ишлаётган корхоналар борлигига тоқат қилиб бўлмайди. Республиканинг бир қанча регионларида капитал қурилиш кўнгилдагидек даражада эмас.

Белоруссиянинг совет ва партия органлари экономикага раҳбарлик қилишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар, мавжуд резерв ва имкониятлардан янада тўла-тўкис фойдаланиш чораларини кўрмоқдалар, деб уқтирди ўз нутқида республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **М. В. Ковалев.** Республика меҳнаткашлари, деди у, партиянинг келгуси йилда тежаб қолинган материал, хом ашё ва ёқилғи билан икки кун ишлаб бериш тўғрисидаги даъватини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Депутат халқ хўжалигининг асосий тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни гапириб берди. Қурилишни интенсивлаштириш, деди депутат, тегишли иттифоқ органлари қурилиш ташкилотларини энг янги механизация воситалари билан, айниқса механизациялаштирилган асбоб-ускуналар ва кичик механизация воситалари билан таъминлаш масалаларини тезроқ ҳал этиб бершларини истар эдик.

Сессия мажлисида Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси депутат **В. А. Хайдуров** ҳам нутқ сўзлади. (Ўртоқ В. А. Хайдуров нутқи алоҳида эълон қилинмоқда).

Музокараларда СССР газ саноати министри **В. А. Динков,** Қозоғистон касаба союзлари республика Советининг раиси **В. Қ. Қодирбоев,** Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **П. Я. Страутманис,** КПСС XXII съезди номли нефть ва газ қазиб чиқариш ишлаб чиқариш бошқармаси «Нефтяные камни» пармалаш ишлари денгиз бошқармасининг пармаловчиси **Г. Р. Ибрагимов,** СССР алоқа министри **В. А. Шамшин** ҳам қатнашдилар.

СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Соат 10 да Қатта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси очилди.

К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, М. С. Соломенцев, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Н. И. Рижков ўртоқларни депутатлар ва меҳмонлар гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Иттифоқ Советининг Раиси **Л. Н. Толкунов** раислигида ўтди.

Депутатлар СССРнинг 1985 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Қозоғистон Компартияси Семипалатинск область комитетининг биринчи секретари депутат **С. Кубашев** қўйчиликни ривожлантириш проблемаларига тўхталиб, комсомол-ёшлардан иборат чўпонлар бригадаларининг иш тажрибасини айтиб берди. Ҳозир 280 та мана шундай коллектив бор. Чўпонлик бригадалари ёшларни меҳнат жараёнида чиниқтиришнинг яхши мактаби бўлиб қолди. Уларда энг яхши коммунист қўйбоқарлар мураббий бригадир бўлиб ишламоқдалар. Улар орасида саккиз нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор.

Сўнгра депутат КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун областда қилинаётган ишлар ҳақида сессияга маълумот берди. Иртиш ва бошқа дарёларнинг сувидан ғоят оқилона ва самарали фойдаланишга эътибор бериш лозим, деди у.

СССР Олий Совети сессиясининг ҳужжатларида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга муҳим аҳамият берилаётганлиги бизни қувонтиради, деди Литва ССР Кретинг районидаги «Яунойи гвардии» колхози фермасининг мудираси депутат **Я. Ю. Бальтмишкене.** Литванинг қишлоқ меҳнатчилари кейнги икки йил ичида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти етиштиришни 10 процент кўпайтирдилар. Давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг ҳамма турларини сотиш планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Районимиз, колхозимиз меҳнатчилари умумий ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Колхозда одамларнинг меҳнат, турмуш ва маиший шароитлари яхшиланмоқда, ёшларнинг мустаҳкам ўрнашиб олишларига катта эътибор берилмоқда, деб уқтирди депутат. Бироқ йўл қурилиши учун машина-механизмлар, коммунал объектлар учун машиналар етишмаслиги оқибатида ободонлаштириш суръатлари суст бормоқда.

Халқ депутатлари Ленинград область Совети ижроия комитетининг раиси депутат **Н. И. Попов** ўз нутқида ўз территориясидаги комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлаш соҳасидаги конституцион ваколатларни амалга оширишда маҳаллий Советларнинг ролини кучайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида гапирди.

Ленинградликларнинг ташаббуси ва ижодий фикри, деди депутат, беш йилликни барвақт тугаллашга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг планлаштирилган даражасидан ўзиб кетишга қаратилган. Меҳнаткашлар корхоналар, областлар, ўлкалар ва республикаларнинг пландан ташқари тежамкорлик фондини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайдилар ва тежаб қолинган материал, хом ашё ҳамда ёқилғи билан йилига икки кун ишлаб бериш маҳбуриятини олмоқдалар.

Чадир-Лунга район колхозлар кенгаши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш ва ресурслаштириш бирлашмасининг бригадири депутат **С. М. Пармакли** республика агросаноат комплексини ривожлантиришдаги ижобий тенденцияларни қайд этиб, ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш резервларига батафсил тўхталиб ўтди. Нотиқ мелиорацияни ана шу резервларнинг энг муҳими деб атади. Бизнинг районимиз, деди у, республика жанубидаги қўрғоқчил зонада жойлашган. Ўлкамизга сув чиқаришнинг партия белгилаган программасини бажариш чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ўстиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш имконини беради. Депутат СССРнинг 1985 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини маъқуллаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлади.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **М. Ғ. Ғапуров** республика меҳнаткашлари Туркманистон ССР ва Туркманистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини, Туркманистон Россия составига ихтиёрий равишда қўшилганлигининг 100 йиллигини хўжалик ва маданий қурилишда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олаётганликларини айтди.

Нотиқ республика экономикаси эришган ютуқлар тўғрисида гапириб, камчиликларга тўхталиб ўтди. Бир қанча тармоқларда, деди у, мавжуд резервлар ҳали ишга туширилмаган, баъзи бирлашмалар ва корхоналар белгиланган марраларга эришмадилар. Туркманистон Компартияси Марказий Комитети, республиканинг партия, совет ва хўжалик органлари, деди депутат, ана шу камчиликларни бартараф этиш, экономикада рўй бераётган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида юксак, барқарор меҳнат маромини таъминлаш учун таъсирчан чораларни кўрмоқдалар.

Қирғизистондаги камволмовут комбинатининг йигирувчиси депутат **Т. М. Нурманбетова** қуйидагиларни айтди: мен — ишчи инсон учун жонажон ленинчи партия режаларини амалга ошириш йўлидаги курашнинг актив иштирокчиси эканлигимни англашдан азизроқ нарса йўқ. Жонажон республика ва унинг Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини яқинда нишонлаган Совет Қирғизистонининг барча меҳнаткашлари ҳам худди шундай ҳис-туйғу ва муддао билан яшамоқдалар. Комбинатимиз планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли уддалаётганлигини сессияга қувонч билан маълум қиламан. Мен раҳбарлик қилаётган йигирувчилар бригадаси ҳам беш йилликнинг тўрт йили планларини бажариб бўлди.

Нотиқ фойдаланилмаётган резервлар тўғрисида гапирди, СССР Енгил саноат министрлиги Қирғизистон камвол-мовут комбинатини реконструкция қилишга доир тадбирларни барбод этганлиги учун шу саноат министри Н. Н. Тарасовни танқид қилди.

Планларнинг интенсив омилларидан фойдаланишга, ишлаб чиқариш даражасини оширишга қаратилганлиги фан ва техникани жадал ривожлантиришни тақозо этади. Владимирдаги «Техника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори депутат **А. А. Немонтов** бу вазифа ана шу бирлашмада қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди. У ишлаб чиқаришни рационализациялаш, реконструкция қилиш, ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни жорий этишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтди. Ҳозир белгиланган қўшимча тадбирлар 1985 йилда тежаб қолинган материал, хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурслари ҳисобига камида икки кун ишлаб беришга имконият яратади.

Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Б. Е. Саркисов** баъзи масалаларга тўхталиб ўтди, уларнинг ҳал этилиши иттифоқ органларига боғлиқдир. Ереваннинг иқтисодий потенциали, деди у, кейинги йилларда анча ошди. Саноат ва шаҳар хўжалиги гуркираб ривожланди. Унинг аҳолиси ҳозирдаёқ бир миллион юз минг кишидан ошиб кетди. Бироқ турли сабабларга кўра, бу ерда социал инфраструктуранинг планли равишда ривожлантирилишни таъминлашга муваффақ бўлинмади. У шунга асосланиб, шаҳарга у ерда вужудга келган аҳволни тўғрилаб олиш учун зарур маблағларни аниқ мақсадларга ажратиб бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни илтимос қилди. Депутат бир қанча иттифоқ министрликларига республикадаги ўз корхоналарини социал жиҳатдан ривожлантиришга эътиборни кучайтириш илтимоси билан мурожаат этди.

Ленинобод шойи комбинатининг ўровчиси депутат **З. Фозилова** корхона коллективи завқ-шавқ билан меҳнат қилаётганлиги тўғрисида гапирди. Коллективда шу йилги ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди. У ўзининг шаҳсий беш йиллигини Ғалабанинг 40 йиллигига адо этишини маълум қилди.

Комбинат ишчилари партиянинг 1985 йилда тежалган хом ашё, материал ва электр энергия ҳисобига икки кун ишлаб бериш тўғрисида даъватини ўзларининг жонажон иши деб қабул қилдилар. Депутат СССР Енгил саноат министрлигига мурожаат этиб, корхонага ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш учун янги, бирмунча замонавий машина-ускуналар ажратиб беришни илтимос қилди.

Горький автомобиль заводининг бош директори депутат **Н. А. Пугин** сессия минбарида туриб, автомобилсозларнинг ишлари ва режалари тўғрисида гапириб берди. У коллектив олдига ниҳоятда муҳим вазифа—дизель моторли янги моделлардаги юк автомобиллари ишлаб чиқариш вазифаси қўйилганлигини қайд этиб ўтди. Шу муносабат билан бирлашмада катта реконструкция ишлари ўтказилади.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга автозаводчиларнинг планларида муҳим ўрин ажратилмоқда, деди нотиқ. Бу эса келгуси йилиёқ ташкилий-техникавий тадбирлар ҳисобигина ишчиларнинг анчасини бошқа операцияларни бажариш учун холи қилиш имконини беради.

«Главархангельскстрой»га қарашли 4-трест қурилишмонтаж бошқармасининг суворқчиси депутат **Л. А. Ишчук** мамлакатимизда шаҳарлар ва қишлоқлар қурилишига, уларни ободонлаштиришга ғоят катта эътибор берилаётганлигини биз ҳамамиз биламиз, деди. Мен бунёдкор меҳнат кишилари армиясига мансублигим билан бахтиёрман ва бундан фахрланаман. Янги уйларга кўчиб кираётган оилаларнинг қувончига, янги болалар боғчасини олган кичкинтойларнинг омон-эсонлигига сен ҳам дахлдорлигингни англаш ёқимлидир. Янги мактабга бораётган болаларни кўриб қувонасан, киши.

Бизнинг режаларимиз тинчлик муддаолари билан тўлиб-тошгандир, деди нотиқ. Аммо биз АҚШ ва НАТО империалистик доираларининг айби билан халқаро кескинлик ва уруш хавфи ошганлигини доимо ҳис этиб турибмиз. Чегарадаги Архангельск области шароитида бу ҳол айниқса сезилларлидир. Бизга тинчлик керак. Лекин биз ҳеч кимнинг ва ҳеч қачон ўзимизни чўчитишларига йўл қўймаймиз. Улуғ совет халқига кучни пеш қилиш позициясида туриб ҳеч ким ўз шартларини тиқиштира олмайди. Шу боисдан ҳам Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш борасидаги куч-ғайратларни сусайтирмаслик, уни барчанинг ва ҳар бир кишининг меҳнати билан кўпайтириш керак.

Узоқ Шарқ денгиз пароходчилигининг бошлиғи депутат **Ю. М. Вольмер** халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишда денгиз флотининг роли ошиб бораётганлиги тўғрисида гапирди. Корхонамизнинг потенциали, деди у, ҳозирнинг ўзидаёқ қўшимча капитал маблағларни жалб этмасдан, бутун ишни сифат жиҳатидан янада юқори поғонага кўтариш, камчиликларга қарши янада қатъият билан курашиш вазифасини ҳам ҳал этмоқдалар. Ерларни кенг миқёсда мелиорациялаш Литва қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили дир. Ҳозиргача республикадаги заҳкаш ерлар тўртдан уч қисминнг заҳи қочирилди, қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуриш учун қулай шароит яратилди.

Сўнгра депутат республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ташкилотчилик, идеология ва хўжалик ишининг бирлигини ва бу ишни кучайтиришни, меҳнат коллективининг ролини оширишни, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни янада юксак кўрсаткичларга эришишнинг реал йўллари деб билаётганликлари ҳақида гапирди.

Тарту ўрта мактабининг директори депутат **Х. А. Райк** совет мактабини янада ривожлантириш тўғрисидаги, совет ўқитувчилари ҳақидаги ғамхўрлик учун партия билан давлатга чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Педагогларнинг коллективлари мактаб ислоҳотида белгиланган ҳамма тадбирларни турмушга татбиқ этиш учун бутун кучни ишга соладилар, деди у. У республикада мактаб ўқувчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш қандай ўтказилаётганини айтиб берди. Нотиқ миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тилини ўрганиш масалаларига тўхталди, мактаблар билан базавий корхоналарнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги бир қанча мулоҳазаларини айтди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари депутат **Е. А. Исаев** планларимизнинг совет жамиятини маънавий жиҳатдан ривожлантириш учун катта аҳамиятини уқтириб ўтди. Янги авлодни улуғ Ватанимизга меҳр-муҳаббат ва ундан фахрланиш руҳида тарбиялаш керак, деб таъкидлади у. Ватанимиз Улуғ Октябрдан кейин уруш ва вайронгарчилик йилларидан ўтиб, саноати ва қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатга айланди.

Бизнинг жамиятда меҳнат ва турмуш интизомини бузувчиларга нисбатан кўнгилчанлик бўлмаслиги керак, деб уқтирди депутат. У совет адабиётининг зўр тарбиявий ролини таъриф лаб, совет кишиларининг юксак бадиий асарларга зўр қизиқиши — халқимиз сиёсий ва эстетик етуклигининг кўрсаткичи эканини уқтириб ўтди.

Беш йиллик якунловчи йилининг плани ва бюджети лойиҳалари мамлакатнинг, ҳар бир иттифоқдош республиканинг манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади, деди Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **И. Г. Устян.** У республика халқ хўжалиги асосий тармоқларининг ривожланиш суръатларини таҳлил этиб, ҳамма меҳнат коллективлари ҳозир чиқитсиз технологияларни жорий этишга ва иккиламчи хом ашёдан фойдаланишга алоҳида эътибор бераётганликларини таъкидлади.

Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти, деди нотиқ, республиканинг агросаноат секторини индустриал изга ўтказишга кўмаклашади. Депутат КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг ерларни мелиорациялашга оид қарорларини турмушга татбиқ этиш масалаларига батафсил тўхталди.

Бошқирдистон АССР «Таналиқ» совхози чорвадорларининг бригадири депутат **К. С. Сулаймонов** сессия минбарида туриб партия режалари — ҳаракатимизнинг жанговар программасидир, деди. Давлат плани ва бюджетнинг муҳокамага тақдим этилган лойиҳалари ўзининг инсонпарварлиги билан кишини қувонтиради.

Нотиқ автоном республика меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар тўғрисида маълум қилиб, шу ютуқларни ўз хўжалиги мисолида тасвирлаб берди. Шу билан бирга у совхозларда уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар билан таъминланиш колхозлардагига қараганда пастроқ даражада эканлигини қайд этиб, совхозларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор беришга даъват қилди.

Депутат республикада ерларни мелиорациялаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди. У жумладан Оқ Идил дарёсининг юқори қисмида сув ўмбори қуришга тайёргарлик бошланганлигини маълум қилди.

Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Т. Х. Кошоев** қуйидагиларни айтди: қирғиз халқи фақат Улуғ Октябрнинг ғалабаси, доно ленинча миллий сиёсат, мамлакатдаги барча халқларнинг, биринчи навбатда рус халқининг қардошлиги ва бегараз ёрдами, бузилмас дўстлиги туфайлигина асрий қолоқликдан социал-иқтисодий тараққиёт чўққилари сари ҳақиқатан ҳам мисли кўрилмаган парвоз қила олди.

Нотиқ республика экономикасидаги ижобий силжишлар тўғрисида гапириб, айни вақтда шуни таъкидладики, барча тармоқларни янада ривожлантириш учун кадрларнинг ишчанлиги ва масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Арманистон Компартияси Кировакан шаҳар комитетининг биринчи секретари депутат **Г. А. Оганян** шаҳарни ривожлантиришнинг социал-иқтисодий проблемалари қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида гапирди. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш — совет ва партия ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Илмий-тадқиқот институтларининг корхоналар билан алоқалари мустаҳкамланмоқда. Маҳсулот сифатини бошқариш шаҳар системаси ишлаб турибди. Шу билан бирга у шаҳарни ривожлантиришда муаммолар борлигини қайд этиб ўтди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан ҳали етарлича фойдаланилмаяпти, баъзи саноат объектлари сустлик билан реконструкция қилинмоқда.

Туркманистон ССРнинг қишлоқ хўжалиги ва умуман экономика соҳасидаги ютуқларида ерларни мелиорациялаш ҳал қилувчи роль ўйнайди, деди «Главкаракумстрой» бошқармасининг бошлиғи депутат **А. Чориев.** Бу ишларга катта-катта маблағлар ажратилган, суғориладиган ер майдонлари муттасил кенгайиб бормоқда.

Депутат В. И. Ленин номидаги Қорақум канали зонасида олиб борилаётган сув хўжалиги ишлари тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Республикада етиштирилаётган пахтанинг салкам ярми ва унинг энг қиммати ингичқа толали навларининг юз процента канал зонасидаги суғориладиган майдонлардан олинди. Шу билан бирга депутат сув хўжалиги қурилиши ҳамиша ҳам сифатли ва комплекс ҳолда олиб борилмаётганлигини таъкидлади. Мамлакат машинасозлари мелиораторлар олдида катта қарздордирлар.

Баланд тоғли ўлканинг экономикаси, фани ва маданиятини юксак суръатлар билан ривожлантириш — ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин намунасидир, депутат Тожикистон Компартияси Тоғли Бадахшон область комитетининг биринчи секретари депутат **М. Зонров.** У, жумладан, автоном область кўпгина тармоқларни янада ривожлантиришнинг талайгина резервларига эга эканлигини қайд этиб ўтди. Помир ҳақиқатан ҳам ноёб табиий комплексдир. Нотиқнинг фикрича, ер ости табиий бойликлари запасларини тўлиқроқ чамалаб чиқиш учун уни геологик жиҳатдан ўрганишга кўпроқ эътибор бериш керак. Маҳаллий энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш Ўрта Осиёдаги барча иттифоқдош республикаларнинг ишлаб чиқариш потенциалини кўпайтириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Қалмоқ АССР республика касалхонасининг бўлим мудири депутат **Д. Б. Мухлаева** КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг корхоналарнинг пландан ташқари тежамкорлик фонди маблағларини социал эҳтиёжларга ва аввало медицина хизматини яхшилашга сарфлаш тўғрисидаги қарори совет кишиси ҳақидаги ғамхўрликнинг янги ифодаси бўлди, деди. Республикада медицина хизматини такомиллаштириш учун кўп ишлар қилинди. Шу билан бирга депутат саломатлик хизмати ишини яхшилашга доир бир қанча таклифларни айтиб ўтди. Ана шу таклифларнинг амалга оширилиши иттифоқ министрликларининг бирмунча активроқ аралашувини тақозо этади. Жумладан, Қалмоғистонда медицина хизматини ташкил этиш чоғида аҳолининг бир текис жойлашмаганлигини ҳисобга олиш лозим. Қишлоқлар тарқоқ бўлган бир шароитда кўчма медицина қурилмаларини кўпроқ ажратиш, врачлик ёрдамини аҳолига яқинлаштириш керак.

Биз, ишчилар ўртоқ К. У. Черненконинг 1984 йилги план, келгуси йилги план ва умуман беш йилликни сўзсиз бажариш учун ҳамма ишни қилиш керак, деган даъватини адо этишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз, деди С. М. Киров номидаги Кондопога целлюлоза-қоғоз комбинати қоғоз тайёрлайдиган машинасининг машинисти депутат **Ю. И. Гончаров.** Комбинатимиз коллективи сизларга шуни айтишимни илтимос қилдики, қоғоз полотносининг бир квадрат метри вазнини камайтириш ҳисобигагина бу йил 1980 йилга нисбатан юз минг куб метрдан зиёд ёғоч тежалишига эришилди, бу эса минг гектардан кўпроқ ўрмон сақлаб қолиниши билан баравардир.

Аммо комбинат коллективининг жиддий муаммолари бор, деб таъкидлади нотиқ. Карелияда ёғочни қайта ишлайдиган катта қувватлар вужудга келтирилган бўлишига қарамай, улар кўпинча хом ашё танқислигига учраб турибди. Ҳолбуки, ишлов берилмаган ёғоч ҳамон Карелиядан ташқарига олиб кетилмоқда. Депутат республикада табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларининг тўла-тўкис бажарилиши учун бир қанча иттифоқ министрликларини амалга ошириши зарур бўлган тадбирларга ҳам тўхталиб ўтди.

Шу билан Миллатлар Советида мамлакатнинг келгуси йилги Давлат плани ва бюджети лойиҳаларини муҳокама этиш тугади.

(ТАСС).

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида соат 10 да Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси бошланди.

Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқларни делегатлар ва меҳмонлар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Советининг Раиси **А. Э. Восс** раислигида ўтган мажлисда мамлакатнинг 1985 йилги план ва бюджети лойиҳаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Тбилиси шаҳар партия комитетининг биринчи секретари депутат **Г. Д. Габуния** ўз нутқида республиканинг ишлаб чиқарувчи кучлари янги муҳим даврга кириб бораётганлигини уқтириб ўтди. Фан-техника тараққиёти суръатлари тезлашаётганлиги, халқ хўжалигига партиявий раҳбарлик янада такомиллаштирилаётганлиги янги ички резервларни аниқлаш имконини бермоқда.

Депутат меҳнат коллективларининг хом ашё ва материалдан фойдаланиш йўлидаги қураши ҳақида батафсил гапирди. Жумладан, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг Тбилисида жорий этилган системаси шаҳар индустриясига келгуси йили тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобига икки кун ишлаш имконини беради.

Миллатлар Советининг энергетика комиссияси номидан СССР Фанлар академиясининг вице-президенти депутат **Е. П. Велихов** шуни маълум қилдики, давлат плани лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида комиссия бизнинг давримизда айни тежамкорлик ишлаб чиқаришни ўстиришнинг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда, деган қоидага асосланиб иш тутди. Келгуси йилда халқ хўжалигининг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган қўшимча эҳтиёжларидан тахминан 60 проценти шу ресурсларни тежаш ҳисобига таъминланиши лозим. Мамлакатда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг давлат программасини вужудга келтириш соҳасида катта иш қилинди, деб уқтирди нотиқ. Бироқ айрим идоралар энергияни тежайдиган ечимларни қидиришни унчалик кенг миқёсда ташкил этмаганлар.

Нотиқ ҳисоблаш техникасининг халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятига тўхталди. Жамиятни компьютерлардан оммавий равишда фойдаланишга тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Ҳозир республиканинг меҳнат коллективлари, деди Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Л. К. Шепетис,** эришилган натижаларни мустаҳкамлаш билангина чекланмасдан, бутун ишни сифат жиҳатидан янада юқори поғонага кўтариш, камчиликларга қарши янада қатъият билан курашиш вазифасини ҳам ҳал этмоқдалар. Ерларни кенг миқёсда мелиорациялаш Литва қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили дир. Ҳозиргача республикадаги заҳкаш ерлар тўртдан уч қисминнг заҳи қочирилди, қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуриш учун қулай шароит яратилди.

Сўнгра депутат республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ташкилотчилик, идеология ва хўжалик ишининг бирлигини ва бу ишни кучайтиришни, меҳнат коллективининг ролини оширишни, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни янада юксак кўрсаткичларга эришишнинг реал йўллари деб билаётганликлари ҳақида гапирди.

Тарту ўрта мактабининг директори депутат **Х. А. Райк** совет мактабини янада ривожлантириш тўғрисидаги, совет ўқитувчилари ҳақидаги ғамхўрлик учун партия билан давлатга чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Педагогларнинг коллективлари мактаб ислоҳотида белгиланган ҳамма тадбирларни турмушга татбиқ этиш учун бутун кучни ишга соладилар, деди у. У республикада мактаб ўқувчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш қандай ўтказилаётганини айтиб берди. Нотиқ миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тилини ўрганиш масалаларига тўхталди, мактаблар билан базавий корхоналарнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги бир қанча мулоҳазаларини айтди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

Депутат О. У. САЛИМОВ нутқи

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ЧОРТОҚ САЙЛОВ ОКРУГИ

Депутат ўртоқлар! СССР Олий Советининг ушбу сессияси КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми, Сиёсий бюронинг мажлисида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги давлат плани ҳамда СССР давлат бюджетини муҳокама қилиш чоғида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко сўзлаган чуқур далил-исботли, ёрқин нутқининг зўр таъсири остида ўтмоқда. Кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитети совет кишиси тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик руҳи билан суғорилган, етук социализмни такомиллаштиришнинг иқтисодий ва социал вазифаларини, кенг миқёсли мақсадларини амалга ошириш йўлларини аниқ равшан белгилаб берган бир қанча салмоқли қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар сессия муҳокамасига тақдим этилган СССРнинг беш йиллик сўнгги йили — 1985 йилги давлат плани ва бюджети лойиҳаларида ўз ифодасини топди. План ва бюджетнинг ҳаҷ бир рақами, ҳар бир сатри замирида экономикани, маданиятни ўстириш, халқ фаровонлигини оширишнинг янги истиқболлари кўриниб турибди.

Бу йилги куз Ўзбекистон халқлари учун муҳим тарихий сана — Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг олтмиш йиллиги нишонланиши туфайли унутилмас даврдир. Шу йилларнинг ҳаммаси мобайнида республикамиз партиянинг раҳбарлик ва раҳнамолик кучини, КПСС ленинча миллий сиёсатининг улуғ донолиги ва битмас-туганмас қудратини, улуғ рус халқининг, қардош совет халқлари бутун аҳил ва мустаҳкам оиласининг бебаҳо, беғараз ёрдамини кун сайин ҳис этиб турди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун Совет Ўзбекистонининг равнақи тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига ва унинг Сиёсий бюросига, улуғ рус халқига, мамлакатнинг барча қардош республикалари халқларига Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан яна бир бор астойдил миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ўртоқлар! Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партиянинг беш йилликни муносиб тугаллаш, экономикани интенсивлашни жадаллаштириш тўғрисидаги даъватига сидқидилдан лаббай, деб жавоб бердилар. Улар 1985 йилги, шунингдек умуман ўн биринчи беш йилликдаги иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планининг топшириқларини тўла-тўкис ва белгиланган муддатда бажариш ва ошириб бажаришга азму қарор берганлар.

Бу ишни бажариш осон эмаслигини тўғридан-тўғри айтмоқ керак. Чунки яқин вақтларгача республикамиздаги ҳамма ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас эди. Бир қанча ҳолларда давлат интизомини қўпол бузишга, қонунчилик талабларини ва ахлоқ принципларини писанд қилмасликка, порахўрлик, ўғрилик, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик сингари шармандали фактларга йўл қўйиб келинган эди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда кўпинча шахсий содиқлик, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатлари биринчи ўринга қўйилар эди. Иқтисодий ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш услубида катта нуқсонлар, сўз билан ишнинг бир жойдан чиқмаслиги содир бўлган эди.

Республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг мададига ва юксак ишончига таяниб, ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларига амал қилиб, жамиятимизга зид бўлган «салбий ҳодисаларнинг сабабларини зўр принципиаллик билан таҳлил этди, бу ҳодисаларга қарши муросасиз кураш бошлади ва ҳозир ҳам бу курашни давом эттирмоқда. Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари социалистик тартибга жуда қаттиқ риоя этишга қаратилган қатъий партиявий йўлни тўла-тўкис ва қатъият билан қўллаб-қувватладилар.

Бу катта ишга Советлар, халқ депутатларининг юз минг кишилик армияси актив қўшилди. Барча поғоналардаги халқ депутатлари Советлари, уларнинг доимий комиссиялари, депутатлик группалари республика турмушининг бир қанча энг муҳим масалаларидаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этди. Масалан, социалистик адолат принципларига оғишмай риоя этиш, Советларнинг жиноятчиликка ва бошқа тарзда ҳуқуқ бузиш ҳоллари ва ошна-оғайнигарчилик муносабатлари ва ўзгарилаётган аҳолининг ҳаммасига, ҳамма жойда моддий-техникавий ресурслар эҳтиёт қилиб асралишини таъминлаш, ҳамда уларнинг талон-торож қилинишига ва ўғирланишининг олдини олиш, аҳолининг юқори сифатли молларга бўлган талабини таъминлаш ҳамда бошқа кўпгина ғоят актуал проблемалар шулар жумласига киради.

Шу билан бирга Советлар мавжуд камчиликлар ва салбий ҳодисаларга принципиал баҳо берибгина қолмай, уларни қатъият билан тез тугатиш учун амалий чораларни ҳам кўрдилар.

Жумладан биз халқ мулкини эҳтиёт қилиш ва кўпайтиришни истамайдиган ёки уддалай олмайдиган, айниқса қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик қилиш йўли билан ўзларига доғ туширган ёки ўзларига билдирилган ишонч ва катта ҳуқуқлардан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланган хўжалик раҳбарларидан қатъиян халос бўляпмиз. Шу пайтгача республикада 170 га яқин киши раҳбарлик лавозимларидан олиб ташланди.

Ғоят афсуски, биздаги айрим депутатлар ўз мандатини ишонч ва юксак бурч белгиси, деб эмас, балки ҳурмат ва имтиёз дебгина билдилар. Бугина эмас, суиистеъмол йўлига ўтганлар ҳам бўлди. Советлар ва сайловчилар бундай депутатларга ўз ҳулқ-атворига муносиб принципиал баҳо бердилар. Республика Олий Советининг тўққиз депутати ва маҳаллий Советларнинг 60 депутати чақириб олинди. Бу — жуда жиддий сабоқдир.

Республика партия ташкилоти, Советлар эндиликда ҳар бир депутатимиз халқ вакили деган номни шараф билан оқлаши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Биз Советларнинг ва улардаги депутатларнинг иш савиясига қараб аҳоли кўпинча бутун Совет давлатининг сиёсатига баҳо беришини доимо назарда тутишимиз зарур. Республика Советлари КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг қарорларига амал қилиб, ўзларининг кўп қиррали фаолияти ҳамма соҳаларини муттасил такомиллаштирмоқдалар.

Депутат ўртоқлар! Республикамиз меҳнаткашлари пахта етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш ва айни вақтда унинг сифатини анча яхшилаш ўзларининг мамлакат олдидаги асосий бурчи бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини жуда яхши англайдилар. Бу йилги пахта тайёрлаш мавсуми ниҳоясига яқинлашиб қолмоқда. Ҳозиргача давлатга 5 миллион 250 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан 437 минг тонна энг қимматбаҳо ингичка толали нав пахта топширилди, ингичка толали пахта тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Ўзбекистон агросаноат комплексининг ходимлари тола ажратиб олишни кўпайтиришга қаратилган қатъий йўлдан бормоқдалар. Топшириб бўлинган пахта анализ қилинганида, мақсадга муваффақият билан эришилаётгани тасдиқланмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини 1985 йилда ва келгусида комплекс ривожлантиришнинг асосий проблемаларини кўздан кечирганда 1971—1984 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари тегишли умумиттифоқ кўрсаткичидан уч ҳисса ошиб кетганига эътибор қилиш лозим бўлади.

Яқин йилларда умуман мамлакатимизда кутилаётганидек, меҳнат ресурслари жами ўсишининг ярмига яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Шу муносабат билан бу ресурслардан тўла-тўкис ва самарали фойдаланиш катта социал-иқтисодий аҳамиятга молик масала бўлиб, бу масалани умуман давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этиш зарур. Биз тегишли иттифоқ органларидан бу проблемага эътиборни кучайтиришларини илтимос қиламиз.

Республиканинг энергетика базасини илдам ривожлантириш проблемаси унинг ҳам меҳнат, ҳам табиий ресурсларидан яхшироқ фойдаланишнинг туб масалаларини ҳал этиш билан жуда узвий равишда боғланган. Бу соҳада ҳам бир талай муваффақиятларга эришилди. Бироқ ҳисоб-китоб маълумотларига қараганда, 1990 йилга борганда Ўрта Осиё тўташ энергетика системасида энергиянинг тақчиллиги бир неча миллиард киловатт-соатга етиши мумкин. Шу сабабли ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари анча камайиб қолиши мумкин. Биз СССР Госплани билан Энергетика ва электрлаштириш министрлигидан Толимаржон ГЭСи қурилишини жадаллаштириш масаласини зудлик билан кўриб чиқиб, бу объектга ажратиладиган капитал маблағ ҳажмини 1985 йилдаёқ 20 миллион сўмга етказишни сўраймиз.

КПСС XXVI съездининг директиваларини бажариш юзасидан республикада газ саноатини илдам ривожлантириш тадбирлари комплекси ишлаб чиқилди. Бу тадбирлар орасида Шўртан газ химия комплекси қурилиши муҳим ўрин олади. Унинг биринчи навбатини XII беш йилликда ишга тушириш белгиланган.

Бу комплекснинг халқ хўжалиги учун муҳимлигини, СССР Госплани эксперт комиссиясининг таркибида этган моддаси бўлган Шўртан гази химия саноати учун қиммати хом ашё бўлиб, бир қанча ҳолларда шу саноатнинг ҳом ашё балансидаги тақчил нефть ва нефть маҳсулотлари ўрнини олиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрини назарда тутиб, Шўртан газ химия комплексини лойиҳалаш масалаларини 1985 йилдаёқ ҳал этиб, уни қуришга 1986 йилда киришиш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир масала: республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида биз пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмлари юзасидан баъзи таклифларни киритдик. СССР ҳукуматидан шу таклифларни кўриб чиқишни сўраймиз.

Ўртоқлар! Ўзбекистон ССРдан келган депутатлар СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1985 йилги Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджетининг муҳокамага қўйилган лойиҳаларини тасдиқлаш тўғрисида бу ерда айтилган таклифларга тўла-тўкис қўшиладилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари республикада шу пайтгача вужудга келтирилган ва янгидан вужудга келтирилаётган ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан тобора тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳисобига умумиттифоқ халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришга қўшаётган ўз ҳиссасини анча кўпайтириши бош вазифа деб биладилар. Биз давлатдан қарздор эканимизни яхши биламиз ва Ўзбекистон ССРнинг Ватан иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўпроқ ҳисса қўшиши мақсади йўлида амалий чораларни кўрамиз.

Депутат ўртоқлар, Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли бажарадилар, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини ва Ленин партиясининг бўлажак XXVII съездини янги ажойиб ишлар билан кутиб оладилар, деб КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, СССР Олий Советига, шахсан ўртоқ К. У. Черненкога ваъда беришга рухсат этгайсизлар.

(Қарсаклар).

Депутат В. А. ХАЙДУРОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГУЛИСТОН САЙЛОВ ОКРУГИ

Депутат ўртоқлар! СССР Олий Советининг ушбу сессияси КПСС XXVII съезди, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик туфайли мамлакат меҳнаткашларининг ғайрат-шижоати ва сиёсий активлиги жўш урган вазиятда ўтмоқда. Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам шу йил ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун, республика экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш учун социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёздирмоқдалар.

Улар партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, ленинчи Марказий Комитет ва унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги Сиёсий бюросининг собитқадам фаолиятини астойдил қўллаб-қувватлаб, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

СССР Олий Советининг сессияси муҳокамасига тақдим этилган СССРнинг 1985 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш Давлат плани билан бюджетининг лойиҳалари яхлит халқ хўжалиги комплексини янада такомиллаштиришнинг, умумдавлат миқёсидаги вазифаларни амалга оширишга ҳар бир республика қўшадиган ҳиссани оширишнинг янги истиқболларини очиб беради. Бу лойиҳалар партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаган мақсадлар ва вазифаларни тўла-тўкис акс эттиради. Ўзбекистон ССРдан сайланган депутатлар группаси номидан 1985 йилги план ва бюджет лойиҳаларини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайман.

Ҳозир мамлакатимиз халқлари муштарак ишларни ўйлаб, ватанпарварлик муддаоларини кўзлаб яшамоқдалар. КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини бажариш йўлидаги курашда уларнинг ҳоҳиш-иродаси ва фикрлари бирлиги аниқ намоён бўлмоқда. Партия мамлакатимиз халқларини дўстлик ва қардошлик йўлидан, ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий потенциалини ошириш ва ундан бутун мамлакатни ривожлантириш манфаатларини кўзлаб баракали фойдаланиш йўлидан бошлаб бормоқда. Халқларнинг ленинча дўстлиги — жамиятимизнинг қудратли кучидир, унинг социал тараққиёт янги, янада юксак марралари сари қилаётган ҳаракатини жадаллаштирувчи кучдир.

Шу кунларда республика билан унинг Компартияси 60 йиллигини нишонлаётган Совет Ўзбекистони СССРдаги барча қардош халқларнинг доимий мадади ва ёрдами туфайли эришилган моддий ва маънавий равнақнинг ажойиб намунасидир. Республикамизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг фидокорона куч-ғайратлари жонли ижодкорликнинг азим дарёсига қўшилмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг кўпгина зафарларида ўз ифодасини топмоқда.

Тўрт йил мобайнида республика саноат ишлаб чиқаришининг жами ҳажми 20,1 процент ортади, электр энергетика, машинасозлик, озиқ-овқат, омихта ем саноати ва бошқа саноат тармоқлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти шу давр ичида ўртача йиллик ҳисобда 13 процент ортади.

Республиканинг қишлоқ меҳнатчилари ва барча меҳнаткашлари пахта етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришни ўзларининг бош вазифаси деб ҳисоблайдилар. Биз мамлакатни тобора кўп миқдорда пахта билан таъминлашни ўз интернационал бурчимиз деб биламиз.

Шу кунларда Ўзбекистон далаларида етиштирилган пахта ҳосилини териб олишни тугаллаш соҳасидаги қизғин иш давом этмоқда. Ҳамма жойда бу йилги ҳосилдан планда белгиланган нормаларга нисбатан кўпроқ тола ажратиб олинаётганини айтиш қувончлидир. Камида 1,8 миллион тонна пахта толаси олиш учун кураш бормоқда. Бу соҳада КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг нобуд бўлишини қисқартириш, пахта ҳосилининг сифатини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори катта роль ўйнади. Шу қарорга биноан пахта қабул қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги тартиби белгиланди — энди пахта таркибидаги толанинг сифати ва миқдори ҳисобга олинадиган бўлди.

Беш йилликнинг тугалловчи йили Ўзбекистон экономикасини мустаҳкамлашда янги босқич бўлади. Миллий даромадни 5,4 процент кўпайтириш белгиланган. Ёқилғи-энергетика комплекси тармоқлари илдам суръатлар билан ривожлантирилади. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни жадал кўпайтириш кўзда тутилган. Саноат ишлаб чиқаришининг жами ҳажми 6,7 процент, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 5,6 процент кўпайтирилади. Капитал қурилишда, транспортда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишларнинг катта ҳажми планлаштирилган.

Белгиланган режаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун биз фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришимиз, экономикани интенсивлаш масалаларига эътиборни кучайтиришимиз лозим. Бунда республика партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг 1984 йил 15 ноябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилги Давлат плани ҳамда СССР Давлат бюджети лойиҳалари кўриб чиқилган пайтда сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатмаларга амал қилмоқдалар.

Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқарувчи кучларни янада интенсив ривожлантириш учун катта резерв ва имкониятлар бор. Аммо бу масалалар бизнинг кўпгина хўжалик ва совет органларимизнинг ҳамиша ҳам диққат марказида тургани йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида бу ҳақда жиддий ва ошкора гаплашиб олинди, бу пленум республика партия ташкилотининг турмушида муҳим босқич бўлиб қолди.

Пленум республикамизда содир бўлган салбий ҳодисаларни кескин қоралади, уларни тугатиш йўлларини белгилади. Республикада вазиятни соғломлаштириш, интизом, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, топширилган иш соҳаси учун кадрларнинг масъулиятини ошириш борасида сабот билан собитқадам иш олиб борилмоқда. Порахўрлик ва чайқовчиликни, социалистик мулкни талон-торож қилишни, мансабни суиистеъмол этишни тугатиш соҳасида конкрет амалий чоралар кўрилмоқда, қонунчиликни мустаҳкамлаш учун кураш кучайтирилди. Бу катта, бениҳоя муҳим ишда халқ контроли органлари ҳам актив позицияда турибдилар. Уларнинг фаолияти қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни фош этиш ва уларнинг олдини олишга, ишни яхшилаш чораларини кўришга, интизомни мустаҳкамлашга, омманинг ташаббусини ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Кейинги вақтларда халқ контроли органларининг ишида партия комиссиялари билан, халқ депутатлари Советларининг доимий комиссиялари, касаба союз ташкилотлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан алоқа анчагина кенгайди ва мустаҳкамланди. Бундай баҳамжиҳат ҳаракат қилиш контролнинг самарадорлигини анча оширади, кадрларнинг партия директивалари ва ҳукумат қарорларини бажариш учун бўлган масъулиятини кучайтиради.

Халқ контролёрларининг Кремлда ўтказилган Бутуниттифоқ кенгаши халқ контроли органларининг фаолиятига янги омил бахш этди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг программа тусидаги ёрқин нутқида халқ контроли органларининг ишига юқори баҳо берилди ва шу билан бирга камчиликларга эътибор қаратилди, бу ишни янада яхшилаш йўллари белгиланди. Республика партия ташкилотлари, халқ контролёрлари, барча меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини социалистик демократиянинг энг муҳим формаларидан бири бўлмиш оммавий, таъсирчан, ошкора контрол ленинча принципларини янада яхшироқ амалга ошириш тўғрисидаги партия ғамхўрлигининг янги ифодаси деб қабул этдилар. Республика халқ контроли ходимлари ва активларининг ўзларининг бутун куч-ғайратларини хўжалик ва маданий қурилиш планларини муваффақиятли адо этишга ҳал қилувчи даражада таъсир ўтказадиган масалаларни бажаришга қаратмоқдалар. Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек, кенг меҳнаткашлар оммаси контролга жуда актив жалб этилган тақдирдагина унинг самарадорлигига эришиш мумкинлигини равшан англаб турибмиз.

Депутат ўртоқлар! Республика меҳнаткашлари ерларни мелиорациялашнинг Узоқ муддатли программасини тасдиқлаган КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларини ўзларининг жонажон иши деб қабул этдилар. Ҳозир республикамизда 3,7 миллион гектардан кўпроқ ер суғорилмоқда, келгусида эса бу ерларни 5—5,5 миллион гектарга етказиш мўлжалланмоқда. Мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Қарши ва Жиззах даштларини ҳамда янгидан суғориладиган бошқа бир қанча массивларни комплекс ўзлаштириш соҳасида ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилиши лозим.

Ўзбекистонда ўзлаштирилган янги ерларнинг самарадорлиги ҳали унчалик юқори эмаслиги КПСС Марказий Комитетининг Пленумида уқтириб ўтилди. Бу аҳволнинг сабабларидан бири янги ўзлаштирилган ер зоналарида ишловчиларнинг етишмаслигидир, чунки бу ерларда обод уй-жойлар, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, маиший хизмат корхоналари мутлақо етишмайди. Шуни айтиш керакки, умуман аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминланиш жиҳатидан республика мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Ўзбекистон аҳолиси йилига 400 минг кишидан зиёд кўпайиб бораётганлиги ҳамиша ҳам ҳисобга олинаётгани йўқ. Биз СССР Госпланидан уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши учун Ўзбекистон ССРга ажратилган маблағни кўпайтиришни илтимос қиламиз.

Республика олдида 1990 йилга бориб мева ва резавор мева етиштиришни 1,8 баравар, узум етиштиришни 3 баравар кўпайтиришдан иборат муҳим вазифа турибди. Бу маҳсулотларни Умумиттифоқ фондига етказиб бериш ҳам шунга мувофиқ равишда ортади. Бунда мева-сабзавот маҳсулотини шунча миқдорда етиштиришнинг ўзи кифоя эмас, шу билан бирга уни ўз вақтида, ҳеч нобуд қилмай, истеъмолчига етказиб бериш ҳам лозим. Афсуски, ҳозир бу маҳсулотнинг анчагина қисми ташиш пайтида ўз вақтида қабул қилинмаслиги, қайта ишлаш корхоналарининг қуввати камлиги оқибатида нобуд бўлмоқда. Республикада ҳали мавсус ускуналанган сабзавот-мева омборлари етарли эмас, уларнинг сиғими эҳтиёжнинг ярмисидан камроғини ҳам қондира олмайди. Қайта ишлаш корхоналаридаги асбоб-ускуналарнинг анчагина қисми маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолган. Мева-сабзавот маҳсулотини ташиш учун мосланган транспорт ҳам етишмайди. Шу муносабат билан биз СССР Госпланидан қайта ишлаш корхоналари учун замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш, рефрижераторлар паркини тўлдириш, шунингдек янги сабзавот-мева омборлари қуриш мақсадида қўшимча маблағ ажратишни сўраймиз.

Сўзимнинг охирида бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам 1985 йилги план ва топшириқларни, умуман беш йиллик планни муваффақиятли бажаришга салмоқли ҳисса қўшиш, жонажон Ленин партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, деб КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Советига ваъда беришга рухсат этгайсизлар.

(Қарсаклар).

ВИЗИТ ТУГАДИ

Австрия Республикасининг федерал канцлери Ф. Зиновац 27 ноябрь куни Москвадан жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССРга келган эди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ва СССР Олий Советининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

Ф. ЭНГЕЛЬС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 164 ИЙЛЛИГИГА

УЛУҒ БАШОРАТЧИ

164 йил муқаддам, 1820 йил 28 ноябрда немисларнинг Бармен шаҳрида (ҳозирги Вуппертал) марксизм асосчиларидан бири, Карл Марксниг дўсти ва сафдоши Фридрих Энгельс туғилди.

В. И. Ленин Фридрих Энгельснинг хотирасига бағишланган мақоласида уни Карл Марксдан кейинги энг ажойиб олим ва ҳозирги пролетариатнинг устози деб атаган эди. Энгельснинг бутун ҳаёти, бутун илмий ижоди, революцион фаолияти бир мақсадга: эксплуатация қилинаётганлар ва эзилганларни озод қилиш, социализм ғалабаси учун курашга бағишланган эди.

Энгельс узоқ ва шонли ҳаёт йўлини босиб ўтди. У ярим аср давомида пролетариат озодлик курашининг гувоҳи ва актив иштирокчисигина бўлиб қолмай, халқаро ишчилар ҳаракатининг улкан ютуқларини ўзи ҳам кўрди. Бу ҳаракатнинг сарчашмаларида бир вақтлар унинг ўзи турганди. Унинг кўз ўнгида ўзи ва Маркс томонидан ишлаб чиқилган таълимот курашаётган ишчилар синфи миллионлаб оммасининг байроғи бўлиб қолди. Энгельс ҳаётининг сўнгги кунигача капиталистик система шак-шубҳасиз барбод бўлажагига, янги ижтимоий тузум албатта ғалаба қилажагига чуқур ишонч билан яшади. 1893 йили у ишчиларга қарата «Кураш бошланди, қизил байроқ ҳилпирамоқда, ғалаба таъминланди. Олға!» деб мурожаат қилган эди.

Бу ишонч келажакда адолат ва тенглик ҳукмрон бўлиши тўғрисидаги утопик орзу-хаёллардан тамомила фарқ қиларди. У жамият ривожланиш қонунларининг чуқур илмий таҳлилига, капиталистик экономикадаги, социал ҳаёт соҳасидаги реал жараёнлар ва ўзгаришларни ўрганишга асосланган эди.

Энгельс «Анти-Дюринг», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» сингари классик асарларида, кейинги йиллардаги бошқа бир қатор асарларида коммунистик жамиятнинг умумий белгилари тўғрисидаги Маркс фикрини конкретлаштирди ва ривожлантирди. Унинг дўстларига, сафдошларига ёзган кўпдан-кўп хатларида, бошқа мақолаларида шу мавзудаги бир қанча фикрлар ўз ифодасини топган.

Энгельс пролетариат ғалаба қозонгандан сўнг унинг асосий, биринчи галдаги вазифаси ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш, уларни умумхалқ мулкига айлантиришдан иборат деб кўрсатган эди. У бутун социалистик ишчилар ҳаракатининг программ талаби ҳисобланган бу фикрга аниқлик киритиб, энг аввал йирик саноат ва йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини эгаллаш зарур, деб таъкидлаган эди.

Капитализмдан социализмга ўтиш даврининг шак-шубҳасизлиги ва зарурлиги, бу даврнинг узоқ давом этиши, у пролетариатнинг революцион диктатурасига айланишини Маркс «Гота программасини танқид» асардаёқ кўрсатиб ўтган эди. Энгельс ана шу фикрга яна ва яна қайтиб, унга аниқлик киритиб, ривожлантирди, пролетариат диктатурасининг муқаррарлиги тўғрисида ёзди. Ишчилар синфининг давлат ҳокимияти эксплуататор синфлар қаршилигини бостириш ва жамиятни тубдан социал-иқтисодий ўзгартириш учун зарурлигини баён қилди. Энгельс пролетариат диктатураси ўзига хос форма бўлишини кўрсатиб, бу билан ўтиш даври пролетар давлатининг чинакам демократик характерини таъкидлади.

Энгельс пролетариатнинг янги жамиятини барпо этишда катта қийинчиликларни босиб ўтишга шак-шубҳасиз дуч келинишини, хато ва нуқсонлар юз беришини олдиндан кўрган эди.

Энгельс янги жамият барпо этишнинг энг мураккаб вазифаларидан бири деҳқонларнинг социалистик йўлга ўтиш масаласи деб ҳисобларди. Бу ҳақдаги ўз фикрларини у сўнгги асарларидан бири бўлган «Франция ва Германияда деҳқонлар масаласи»да умумлаштириб берди. Ана шу асарда баён қилинган фикрлари кейинчиликлик В. И. Лениннинг кооператив планида ривожлантирилди ва социалистик қурилиш практикасида реал ифодасини топди.

Бу фикрлар қисқача қуйидагилардан иборат: ғалаба қозонган пролетариат майда ва ўртаҳол деҳқонларнинг иқтисодий нуқтаи назардан шак-шубҳасиз бўлган коллектив ишлаб чиқаришга ўтишини ҳар томонлама енгиллаштириши керак. Бунда ихтиёрийлик принципига қатъий риоя қилиш ва шошма-шошарликка асло йўл қўймаслик зарур. Мунтазам равишда ёлланма меҳнатни қўлланувчи бадавлат деҳқонларга келганда уларни Энгельснинг фикрича хўжаликни коллектив юритишнинг афзалликларига ишонтиришга ҳаракат қилиш керак ва уларни ҳам ишлаб чиқаришни янгича усулда олиб боришга ўтишига ёрдам қилиш лозим. Уларга қарашли катта ерлар эса экспроприация қилиниши зарур. Энгельс бунда айрим ҳолларда уларнинг мол-мулкини сотиб олишга йўл қўйишни ҳам назарда тутган эди.

Марксниг коммунистик жамиятнинг икки фазаси тўғрисидаги фикрини ривожлантира бориб, Энгельс шуни қайта-қайта таъкидладики, бу жамият шак-шубҳасиз ўзгариб, ривожланиб тараққий этиб боради. У янги жамиятга ўтиш босқичларини белгилашнинг ниҳоятда мураккаблигини таъкидлаган эди, «бу мавжуд масалалар ичида энг мураккаби, чунки шароит тўхтовсиз ўзгариб боради» деб кўрсатган эди. Энгельс йирик мулкнинг жамият қўлида, пролетар давлатига ўтганидан кейин ҳам ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш жараёни давом этиб боришини, унинг формалари эса такомиллашиб боришини, бу жараён аста-секин ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини, социализм таъсир доираси кенгайиб борган сайин эса тобора янги ва янги мамлакатларни ҳам қамраб олишини башорат қилган эди. Меҳнат унумдорлиги ўсиб боргани ва ишлаб чиқаришда ётган истеъмол буюмларининг кўпайиб боргани сайин тақсимлаш усули ҳам такомиллашиб, ўзгариб боради, бу жараён коммунистик жамиятнинг асосий принципи: ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша деган принцип амалга ошгунча давом этади.

Аёлларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ўрнатилишини ҳам Энгельс бўлажак жамиятнинг муҳим белгиларидан бири деб ҳисоблади. У бу масаланинг ҳал этилишини ишлаб чиқариш кучларининг гуркираб ўсиши билан бевосита боғлаган эди.

Энгельснинг бўлажак социалистик даврнинг асосий белгиларига оид ҳамма фикрлари чинакам инсонпарварлик ғояси билан суғорилгандир. «Коммунистик партия Манифести»даёқ таърифлаб берилган бу ғояни Энгельс 1891 йили бирмунча кенгайтирилган формада баён қилган эди.

Энгельс ўзининг мана шу ҳамма ғоялари реал ҳаётда, кўп миллионли оммаларнинг ижодида ўзининг конкрет ифодасини топа бошлаган вақтгача яшай олмади. Лекин бу ғоялар бугунги кунда ҳам янги жамият бунёдкорларининг йўлини ёритиб турипти. Бу ғоялар ана шу йўлдан анча илгарилаб кетганларнинг ҳам, унга эндигина қадам қўяётганларнинг ҳам йўлини нурафшон қилмоқда.

Борис ТАРТАКОВСКИЙ,
тарих фанлари доктори.
(АПН).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ТУҲМАТ — БЎҲТОН ФОШ ЭТИЛДИ

КОБУЛ. (ТАСС). Покистоннинг Кобулдаги муваққат ишлар вакили АДР ички ишлар министрлигига чақиртирилди. Унга Покистон маъмурлари кейинги вақтда ғўё АДР қуролли кучлари 14 ноябрь куни Хайбар довони районида Покистон территориясини ўққа тутди деб даъво қилганликлари айтилди. БАХТАР агентлигининг хабар беришича, бундай даъволар ҳеч қандай асосга эга эмаслиги Покистон томонига кўрсатиб ўтилган.

АҚШ БИЛАН ИРОҚ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТИКЛАНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ билан Ироқ 1967 йилда узилган дипломатик муносабатларни тўла ҳажмда тиклаш тўғрисида аҳдлашувга эришдилар. Аҳдлашув тез орада кучга киради. Президент Рейган бу ерга келган Ироқ бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Т. Азиз билан Оқ уйда учрашгандан кейин ана шу ҳақда эълон қилинди.

ЧИЛИ: ХАЛҚ ОВОЗИНИ БЎҒИБ БЎЛМАЙДИ

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС). Чилида Пиночет ҳарбий фашист диктатурасига қарши навбатдаги миллий норозилик куни ўтказилмоқда. Қамал ҳолатига қарамай бутун мамлакатда диктаторлик режимига қарши, демократия дарҳол қайта тикланиши учун кураш шиорлари остида оммавий митинглар ва намойишлар ўтказилмоқда.

Яқинда сўл кучлар иттифоқи — Халқ демократик ҳаракати Чили демократларини диктатурага қарши ягона фронт бўлиб курашишга да

«ЭЛЕКТРОНИКА»ДА КЎРГАЗМА

ПОЙТАХТНИНГ Гоголь кўчасидаги «Электроника» фирма магазинида савдо кўргазмаси очилди. Кўргазма ташкилотчилари — Минск. «Электроника» соатсозлик заводи ходимлари тошкентлик харидорларга ўндан ортиқ турдаги қўл соатларини ҳавола қилдилар. Мухбиримиз корхона инженери Ф. Матшинага мурожаат қилиб, ишлаб чиқарилаётган янги соатлар, харидорларнинг талаб ва истакларини қандай амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди:

Заводимизнинг маҳсулотларига бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Чунки, электрон соатлар кишиларга кўпроқ маъқул бўляпти. Иттифоқимизнинг кўплаб шаҳарларида корхона фирма-магазинларини очганмиз. Биз энг аввало янги маҳсулотларни шу магазинларга жўнатамиз.

Мунтазам равишда савдо кўргазмаларини ташкил қилиш ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ҳар сафар биз кўргазма олдидан махсус анкеталар тайёрлаймиз. Улар орқали корхона маҳсулотлари ҳақида харидорларнинг фикрлари, таклиф ва мулоҳазалари ўрганилади.

Шуни дадил айтиш мумкинки, Тошкентдаги фирма магазинда бизнинг соатларга бўлган талаб жуда катта. Бу ерда харидорлар билан сотувчилар ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Сотувга қўйилган соатлар ҳақида меҳнаткашларнинг фикри билан магазин ходимлари мунтазам равишда бизни таништириб борадилар.

Биз бу йил ихчам, бежирим аёллар қўл соатларини, шунингдек, «Электроника—5—209» маркали эркаклар соатларини ишлаб чиқара бошладик. Улар соат, минут, секунд, ҳафта кунлари, ойни кўрсатиш билан биргаликда сизни товушли сигналлар ёрдамида белгиланган вақтдан огоҳлантириб туради.

Савдо шахобчаларида, шунингдек, пластмасса гардишли электрон соатларининг ҳам харидори кўп. Улар замонавий кўринишга эга. Баҳоси ҳам қиммат эмас —20 сўм. Биз ана шу соатга бўлган эҳтиёжнинг катталигини ҳисобга олиб тошкентликларга кўпроқ жўнатамиз.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, барча шаҳарлардаги фирма-магазинларда электрон соатларни тузатишга ихтисослашган гарантияли ремонт- устахоналари бор. Тошкентдаги магазинда эса барча имкониятлар бўла туриб, шундай устахона очилмаган. Бизнингча, бу масалани тезроқ ҳал қилиш керак. Шунда харидорга катта қулайлик яратилади.

СУРАТДА: «Электроника» магазин-салонида. А. Мальцев фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Музика ҳамиша янграб турсин!

Оддий иш кунларида ҳам, байрамларда ҳам, уйда ва дам олишда ҳам музиканинг ёқимли садоси янграб турсин. У ўзининг жозибали ва шўх садоси билан бизга ҳамиша яхши кайфият бахш этади.

СИЗ МУЗИКА ИШҚИБОЗЛАРИГА БЕРДСК РАДИОЗАВОДИ ЎЗИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

«ВЕГА-323» стереофоник радиола музика ишқибозларининг кенг даврасига мўлжалланган. «ВЕГА» радиоприемниги узун, ўрта ва иккита қисқа тўлқиндан, шунингдек, ультра қисқа тўлқинли диапазондан стереофоник программаларни тиниқ қабул қилади.

Ультра қисқа тўлқиндаги диапазон частотасини созлаш автоматик тузилган. Бундан ташқари овоз частоталарининг юқори ва пастлиги бўйича алоҳида ажратилган тембр регулятори, стерео-баланс регулятори кўзда тутилган.

Аппаратнинг электропроигриватель қурилмаси микролифт ва автостоп билан жиҳозланган.

Бердск радиозаводининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳажми 25 миллион дона электрофон проигриватель, радиола, магнитола, приемник, кучайтиргич, музика жазларидан иборат.

Мамлакатимизда жуда ҳам машҳур бўлган «ВЕГА-108—стерео» — юбилей номери билан тайёрланди. Бу ўзининг техникавий таркиби, аҳоли талаби бўйича мамлакатимизда тайёрланаётган энг яхши электрофонлардан биридир.

Овозининг аъло даражада сифатлилиги, ишлатишда қулайлиги, тежамкорлиги— ана шу моделда мужассамлашган бўлиб, бу хусусиятлар ҳатто замонавий аппаратларнинг энг талабчан ишқибозлари диққатини жалб этади.

Давлат сифат белгисини олишга сазовор бўлган «ВЕГА-206-СТЕРЕО» стереофоник электропроигривателининг асосий фазилати ҳар қандай замонавий грампластинкаларни тоза ва тиниқ эшиттиришдан иборатдир.

Ҳозирги пайтда кўчма радиоаппаратуралар жуда ҳам оммалашиб боряпти. Ҳажм жиҳатдан ихчам, ишлатишга қулай бўлган «ВЕГА-326» монофоник магнитола бир қатор имкониятларга эга.

Унинг ёрдамида сиз узун, ўрта ва ультра қисқа тўлқинли диапазондаги эшиттиришларни тинглаб қолмай, балки ўзингизга мазнур бўлган оҳангларни кассетага ёзиб олишингиз мумкин.

Ўрнатилган микрофон, шунингдек исталган ташқи овоз манбаи — магнитофон, проигриватель, телевизор ёрдамида музика асарларини бемалол ёзиб олиш мумкин. Ёзув ва регулятор кучланиши даражаси стрелкали индикаторлар билан кўрсатилган. «Вега-326» электр тармоғидан ва «343» типидаги элементлардан қувват олиб ишлайверади.

БЕРДСК РАДИОЗАВОДИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
махсус мутахассислик группасига
1985—86 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бу **декоратор-безакчилар группаси** бўлиб ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат (саноат) товарлари магазинлари учун мутахассислар тайёрланади.

Кирувчилар: расм ишлаш ва рус тили (диктант)дан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Бу группага тўлиқ ўрта маълумотли, 25 ёшгача бўлган ва Ўзбекистон шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тингловчиларга стипендия тўланади.

ЎҚИШ 1984 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари область совети ижроия комитетининг савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар совети ижроия комитетининг савдо бўлимидан йўлланма.

Ўқув-курс комбинатининг адреси: Тошкент-700173, Чилонзор, Акмал-Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота»; 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон 78-44-30.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЕ ТЕМИР ЙЎЛИ
ТОШКЕНТ БЎЛИМИ
электрлаштирилган темир йўллар контакт тармоғи электромонтерлари тайёрлаш бўйича
КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 7 ой. Ойига 90 сўмдан стипендия тўланади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

8—10 синф ҳажмида маълумотли 18 ёшдан катта йигитлар қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 3 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Курсларни битирганлар темир йўл Тошкент бўлими ичидаги Тошкент энергоучасткасига ишга юборилади.

Курсларга қабул қилинганлар темир йўл транспорти ходимлари учун кўзда тутилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 2-Иппадром проезди, 1-переулок кўчаси, 1-«а» уй (5, 26-трамвайларнинг «Путепровод»; 12, 22, 26, 37, 52, 68, 81, 80, 61, 183-автобусларнинг «Рисовая кўчаси» бекатлари).

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

ТЕЗ ВА СОЗ ОРАСТАЛАЙДИ

СИНТЕТИК КИР ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ — УЙ-РЎЗГОР ИШЛАРИДА ҲАММА ХОНАДОННИНГ БЕМИННАТ ЁРДАМЧИСИДИР.

«ЭГАТА»— тозалаш воситаси ёғ доғи, куйиб кетган овқатларнинг қирмочи, қурум ва шунингдек ошхона плитасининг устини тозалашда бебаҳодир. У айниқса, канализация трубаларини тозалашда ҳам самаралидир.

«ВИЛЬВА» — пластика билан қопланган ошхона мебелларини, пластмассали буюмларни, шунингдек ошхона идиш-товоқларини тозалаш учун қўлланилади.

«ЖЕМЧУГ» — такомиллашган тозалаш воситаси бўлиб, ванна ва сопол плиталар мойли ва эмалли буёқ суртилган сиртларни тозалашда уй бекасига яқиндан ёрдам беради.

«ПОМОШНИЦА»— ҳам такомиллашгандир. У юқорида кўрсатиб ўтилган буюмлардан ташқари линолеумни устида қотиб қолган доғларни кетказиб яхши тозалайди. Буюмни ялтироқ қилади ва тозаланган сиртни янгилайди, дезинфициялайди ва хонани арча хидига бойитиб юборади.

«САНФОР»— ҳожатхоналарни тозалаш учун ишлатиладиган замонавий восита бўлиб, ундаги барча буюмларни ялтироқ қилади, зангини кетказади, дезинфекциялайди, ёқимсиз ҳидни йўқотади.

«САНИТАРНИЙ—2» — ванналар, раковиналар, кошинлар, унитазлардаги қотиб қолган доғ ва зангни яхши кетказади.

«НИТХИНОЛ» — ойна ва шиша буюмларда бирорта чизиқ қолдирмасдан тиниқ тозалаш имконини беради.

БУ ВОСИТАЛАР ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИДА (полиэтиленли халтачаларда 600 грамм оғирликда) ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА. Баҳоси—85 тийиндан ошмайди.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

СТОЛДАГИ БАСКЕТБОЛ

«БАСКЕТБОЛ» стол ўйини қувноқ ва қизиқарлидир.

Бунда матчнинг бутун ҳаяжонларини кўриш, чаққонлик, аниқлик, мўлжалга олиш, тез ҳаракат қилишни яққол тасаввур этиш мумкин.

Митти ўйин майдончаси ўзининг ранг-баранг чиройлилиги, ташқи кўринуши билан болалар диққатини жалб этади. Бу ўғил ва қизга тақдим этиладиган муносиб совғадир.

Стол баскетболи «Болалар дунёси» ва маданий молар магазинида сотилмоқда.

Баҳоси —9 сўм.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

Бизнинг ахборот

ПАРКЕНТ

● РАЙОНДАГИ «Бўстон» совхозида бир неча турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Улар Чотқол тизма тоғ этакларини ўзлаштираётган қурувчилар ва совхоз ишчиларига мўлжалланган. Яқинда бу ерда ўн оила ҳовли тўйларини ўтказди.

Янги уйлар «Ташгипрогор» институтининг лойиҳаси асосида бунёд этилди. Уйнинг томорқаси, чорва ва парранда боқишга мўлжалланган қўшимча қурилишлари ҳам бор.

Колхоз посёлкаси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Буни фойдаланишга топширилган ўрта мактаб, замонавий болалар боғчаси, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тез орада қурилиш кўлами янада кенгаяди. Бунёдкорлар совхоз меҳнаткашларига алоқа бўлими, марказий поликлиника «ҳадя» этиш ниятидадир.

Ш. ШАРИПОВА.

ҒАЗАЛКЕНТ

●ҒАЗАЛКЕНТ шаҳри марказий бозорида янги нонвойхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Рустам Тоштемиров ва Шоир Ўтабоевлар ёпаётган нессиқ, хуштаъм нонлар харидорларга манзур бўлмоқда.

— Ҳар куни 900 донадан ортиқ нон ёпяпмиз, — дейди Р. Тоштемиров.—Лекин бу аҳоли эҳтиёжини ҳали ҳам қондирмаяпти. Келгусида мавжуд тандирлар сонини кўпайтириш ниятидамиз. Шунда меҳнаткашларни иссиқ, хуштаъм нонлар билан керагича таъминлаймиз. Шунингдек, нонлар хилини ҳам кўпайтирамиз.

С. БЕГМАТОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

● РАЙОН маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходимлари график асосида колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида бўлиб, пахтакорлар, шаҳарлик ҳашарчиларнинг буюртмаларини бажармоқдалар.

Комбинатнинг А. Такурова, У. Темиров, Г. Ким, А. Сулаймонов каби усталаридан кишилар мамнун. Улар заргарлик, металл буюмлари ва ҳолодильникларни ўз вақтида ремонт қилиб беряпти-лар.

Шунинг учун ҳам зиммага олинган планлар ортиғи билан бажарилмоқда. Ўтган ой мобайнида аҳолига 11 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилди. Ҳозир комбинат ишчилари зиммадаги ссциалистик мажбуриятни ҳам бажариш ва пландан ташқари 12 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатиш мақсадида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Г. МАМБЕТОВА.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР»—«КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг ноябрь ойи сони босмадан чиқди. Унда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми тўғрисида ахборот босилган. Журналда «Ҳужумкорлик ва жанговарликни оширайлик» сарлавҳали бош мақола берилган.

«Матбуотга партиявий раҳбарлик» рубрикаси остида Ўзбекистон Компартияси Қўшработ район комитетининг биринчи секретари С. Сотиболдиевнинг «Жанговар минбаримиз» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Тарих фанлари кандидати Б. Гольдиннинг «Ўзбекистоннинг дастлабки журналлари» сарлавҳали мақоласи «Октябрь вужудга келтирган матбуот» рубрикаси остида берилган. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган республика радиосининг эшиттиришлари ҳақида республика радиоси программалар бош редакциясининг бош директори Н. Эргашева ўзининг «Радио тўлқинларида давр нафаси» мақоласида ҳикоя қилган.

Журналнинг «Практика» бўлимида подборка материаллар берилган. Унда И. Аҳметовнинг «Бўлим таклиф қилади», А. Кузмицкийнинг «Замон талабидан ортда қолмасин» материаллари ўрин олган. Республика радиоси, ЎзТАГ, «Совет Ўзбекистони» ва Наманган район «Учқун» газеталари бошланғич журналистик ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳақида материаллар ҳам чоп этилган.

«Ёш журналист минбари» рубрикаси остида эса «Среднеазиатская магистраль» газетаси мухбири З. Мадалиеванинг «Сатрларда қандай маъно бўлиши керак?» мақоласи эълон қилинган.

К. Веринанинг «Уруш ва тинчлик кунларида» сарлавҳали мақоласи Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган.

Журналнинг бу сонидан бошлаб «Назарий семинар» курси бўйича партия-сиёсий ўқув системасида янги ўқув йили учун машғулотлар тематикаси бериб борилади. Мазкур сонда «Ривожланган социализмнинг актуал проблемалари ва матбуот вазифалари» сарлавҳаси остида биринчи машғулот тематикалари эълон қилинган. Булардан ташқари, журналда «Мухбир»нинг давра суҳбати», «Ташвишли сигнал», «Ишчи-деҳқон мухбирлар йўлдоши», «Кўмакдошларимиз», «Бугунги студент — эртанги журналист», «Журналистлар ёзган китоблар», «Матбаачилар — республика юбилейига», «Фоторепортаж», «Бизнинг вернисаж», «Изланиш» клуби» рубрикалари остида ҳам бир қатор материаллар берилган.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ»

Истеъдодли санъаткор И. Жабборов кўпгина оригинал ҳайкалларнинг муаллифидир. «Менинг замондошларим» туркумига кирган асарлари эса унга катта ижодий қувонч келтирди. Ана шу туркуми учун у Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди.

Ҳайкалтарош яна қатор композициялар устида қизғин иш олиб борди. «Ҳаёт фалсафаси» деб номланган композицияли ҳайкал ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Республикамизнинг шонли юбилейига бағишланган мазкур ижод намунасида меҳнат аҳли мадҳ этилди.

Санъаткор янги яратган «Оила бошлиғи», «Ҳайкалтарош Ж. Мўлдабоев» деб номланган монументал асарлар ҳам республика юбилейига муносиб армуғондир.

С. ОДИЛОВА.

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ШАХМАТ. Мана бир неча кундирки, «Билим» уйида шахмат бўйича биринчи лига мусобақалари давом этмоқда. Бир неча турдан бери ереванлик С. Лпутян пешқадамлик қилиб келаётган эди. Тўққизинчи турда у москвалик Б. Гулькога ютқазиб қўйди. Ҳозир 6 очко билан Э. Убилава (Тбилиси) олдинда бормоқда. Тўрт шахматчи Г. Аъзамов, А. Петросян (Ереван) ва Ю. Разуваев (Москва) ва С. Лпутян (Ереван)ларда 5,5 тадан очко бор. Ҳамшаҳримиз Г. Аъзамов тўққизинчи турда Кузьминни мағлубиятга учратди.

● ШАШКА. «Тошкет тонги-84» Бутуниттифоқ турнирида 13-тур ўйинлари ўтказилди. 9,5 очко жамғарган ригалик Т. Мартерере якка пешқадам бўлиб олди. Кейинги ўйинларда муваффақиятли қатнашаётган Озода Аҳмедова ва Галина Тетериналар 8,5 очко билан иккинчи-учинчи ўринларда боришяпти.

● ХОККЕЙ. «Бинокор» бир қатор ўйинларни ўзга майдонларда ўтказмоқда. У охирги турда Новосибирск шаҳри СКА коллективининг меҳмони бўлди. Иккинчи лиганинг кучли командаларидан ҳисобланган армиячилар биринчи ўйинда 7:5 ҳисобида ғалабага эришишди. Иккинчи учрашув 5:5 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Бугун мазкур коллективлар учинчи марта майдонга тушишади. Пойтахтимиз хоккейчилари турнир жадвалида якка пешқадамлик қилишяпти.

● ТЕННИС. Тошкентда қизлар ва ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Бир неча кунлик бахслардан сўнг тошкентлик Александр Полегаев ва Татьяна Юрченколар чемпионлик унвонини қўлга киритишга муяссар бўлишди. «Ёш куч» командаси биринчи, «Спартак» иккинчи, «Меҳнат» коллективи эса учинчи ўринларни эгаллашди.

УЗОҚ ЯЙЛОВЛАРДА

ОВЧИГА МУКОФОТ

«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Раҳмон Қурбонов бўш вақт топди дегунча қадрдон сўқмоқ ва даралар-ни кезади.

Яқинда Шавазсойга борган Р. Қурбонов чорвага бўрилар галаси оралаганини, қўшни Ўрта Чирчиқ районининг етти қорамоли, С. М. Будённий номли совхознинг икки йилқиси нобуд қилинганини эшитди.

Раҳмон от жиловини олисда, дала йўлини чангитиб келаётган йилқилар томон бурди. Йилқичининг ҳайқириғи унинг эътиборини тортди. Яқин бориб ҳайратдан тўхтаб қолди. Икки бўри йилқилар тўдаси кетидан югуриб келарди. Улардан бири орқароқда келаётган отларнинг бирига ҳамла қилди. Бия тоғ-тошларни кўчиргудек қаттиқ кишнаб, чап берди. Раҳмон шу қулай фурсатдан фойдаланиб, милтиқ тепкисини босди. Она бўри ўлдирилди, иккинчиси қочди.

Чўпон ва йилқичилар йиртқич бўрини йўқ қилгани учун Р. Қурбоновга самимий миннатдорчилик билдиришди. Овчи битта қўй ва 60 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

А. НАВРЎЗОВ,
Оҳангарон райони.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/XI да **Юлдузли тунлар** (18.00), 30/XI да **Зебуннисо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —30/XI да **Тошболта ошиқ**, 1/XII да **Олифта.**

РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА — 29, 30/XI да **Сеҳрли тўрқовоқ** (15.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет цирки усталари иштирокида катта программа** (19.30).

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ "Ташкентская правда"/ ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749, қишлоқ хўжалиги—325647, пропаганда—325556, совет қурилиши—325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553, адабиёт ва санъат—325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733, хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354, фельетонлар—325556, фотомухбир—325894.

Р. 20212. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1836. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12